

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 15 - сонли

Кушқупис тумани

2022 йил «23» Август

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кушқупис тумани 1-сон айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Б. Куриёзов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Сехрли само юлдузи» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Р. Фуломов иккинчи томондан, Кушқупис тумани 1-сон айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқув биносини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;
- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
  - **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;
  - **вакцинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;
  - **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
  - **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ қўзда тутилган смета хужжатлари буйича Кушқупис тумани 1-сон айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқув биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бу ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий таъмирлаш нархларида **29 500 000 (Йиғирма тукқиз миллион беш юз минг)** сумми ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада қузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча муружаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий таъмирлашни молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада қузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қучга қиради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.
15. Объектни 20 календарь қунида фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича жорий таъмирлаш ишларига 30% миқдорида аванс утказади, бу **8 850 000 (Саккиз миллион саккиз юз эллик минг)** сумни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий таъмирлаш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 70 банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан жорий таъмирлашни молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий таъмирлашни молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варак-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объекта ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари яритлади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
  - ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;
  - объектдан, фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
- Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин мавжуд жорий таъмирлашни бошланиши Буюртмачига боглик бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қу вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қу пайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қурилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ёзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ёзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ёзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қармони, Ёзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофик тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар булади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнинг охириг қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% микдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня қаби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга муружат қилишлари мумкин.

### **XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.
52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.
54. Мазкур шартноманинг жорий таъмирлаш нархлардаги келишилган суммаси меъерий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса кайта куриб чикилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.
56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 гача амал килади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

#### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
«Сехрли само юлдузи» хусусий корхонаси	Кушкупир тумани 1-сон айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб- интернати
Манзил: Кушкупир тумани Беруний куча 9 уй	Манзил: Кушкупир тумани Мустакиллик кўчаси
Тел./факс: +998914209656	Тел./факс: 32 95 657
Х/р: 20208000604698862001	ш/х: 100021860332127092300075001
Банк номи: Урганч «Микрокредитбанк»	Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 203245304
МФО: 00549	ОКОНХ: 92310
СТИР: 300803978	<i>Молча Вазирова Ҳозирова</i>
	Ғазна х/в: 23402000300100001010
	Банкнинг номи: <i>Тошкент ш. Маркази Банк</i>
	МФО: <i>00014</i>
	Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: <i>201722919</i>
 Раҳбар: <b>Р. Ғудомов</b> М.У. <i>Ғудомов</i> (ИМЗО)	 Директор: <b>Б. Куриёзов</b> М.У. <i>Куриёзов</i> (ИМЗО)

Хуқуқшунос:

(Имзо)

(Ф.И.О.)

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 135229 на приобретение Кўшкўпир туманидаги 1-сон мактаб интернат укув биносини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 18.08.2022

Время рассмотрения 18.08.2022 11:57

Конкурсная комиссия Хоразм вилояти Кўшкўпир туман 1-сон айрим фанлар чукур урганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	QURIYOZOV BANODIR ESHCHANOVICH	Директор	1 сон мактаб интернати
<b>Секретарь комиссии</b>	SABIROV AZIM HAYITBAYEVICH	Зам. директор	1 сон мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	MATYAQUBOV SARDORBЕК QURANBOYEVICH	гл бухгалтер	1 сон мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOV DAVRONBEK PIRNAPASOVICH	Зав.Хоз	1 сон мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	JUMAMURATOV XAYRULLA MASHARIBOVICH	Касаба уюшма	1 сон мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	JUMANIYOZOV DAVRONBEK OTABOYEVICH	Ишчи	1 сон мактаб интернат

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.08.2022 года № лота 135229.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 85

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий укув бино
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олинши шарт QR коди билан) Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	20	Илова килинади	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	20	Солик карзи йук	20	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	20	Илова килинди	20	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	20	мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №2 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Товарнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган ҳамда шу санага объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади маълумотнома танлов эълон килингандан кейин олинган бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	15	Мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	15	Мавжуд	15	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	15	Мавжуд	15	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент томонидан имзоланган муҳриланган кўринишда

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	10	Мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	10	Мавжуд	10	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	10	Мавжуд	10	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	10	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №4 ТАНЛОВДАГИ ТОВАРЛАРГА ЎХШАШ ХИЗМАТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачилар билан тузилган шартномалар рўйхати санаси ва суммаси жадвал кўринишда буюртмачи ташкилотлар томонидан мухри билан тасдиқланган ва имзоланган кўринишда илова қилинади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	15	Мавжуд	15	Экспертная		
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	15	Мавжуд	15	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	15	Мавжуд	5	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №5 Оферант тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархона устави, гувоҳномаси, ҚҚС гувоҳномаси(фаол бўлиши керак), кархона тўғрисида умумий маълумот,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	10	Мавжуд	10	Экспертная		
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	10	Мавжуд	10	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	10	Мавжуд	10	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	10	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №6 Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи томонидан беркитилган маъсул ходим билан биргаликда иш хажими ва хусусиятини тўлиқ ўрганганлиги(белгиланган шаклда) лойҳа - смета хужжатлари мос келиши тўғрисида маълумот маъсул ходим ва оферант вакили имзоси ва буюртмачи ташкилот мухри билан тасдиқланган бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	30	Урганилди	10	Экспертная		
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	30	Урганилди	30	Экспертная		
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	30	Урганилди	30	Экспертная		
ТЕМУРБЕК ХИВА	30	мавжуд	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Х.К.						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	30 000 000.00	29 900 000.00 UZS	29 900 000.00	00.00	29 900 000.00	17.08.2022 11:04:24	09.87
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	30 000 000.00	29 500 000.00 UZS	29 500 000.00	00.00	29 500 000.00	17.08.2022 10:59:12	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Ramzbek quruvchi" МЧЖ	81	9.87	90.87
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ТЕМУРБЕК ХИВА Х.К.	Не прошел	Не прошел	Не прошел
SEHRLI SAMO YULDUZI XK	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 135229 от 18.08.2022 года на приобретение Кўшкўпир туманидаги 1-сон мактаб интернат укув биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

SEHRLI SAMO YULDUZI XK  
300803978

и резервный исполнитель: "Ramzbek quruvchi" МЧЖ (303342363)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	QURIYOZOV BAHODIR ESHCHANOVICH	Согласен *	
Член комиссии	MATYAQUBOV SARDORBЕК QURANBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	IBRAGIMOV DAVRONBEK PIRNAPASOVICH	Согласен	
Член комиссии	JUMANIYOZOV DAVRONBEK OTABOYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi:**

1-son ayrim fanlarga ixtisoslashgan maktab binosini joriy ta'minlash tugrisidagi pudrat shartnomasi to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**  
Qo'shko'pir tuman Xalq ta'limi bo'limida 2022yil 23 avgustda ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Qo'shkupir tuman yuridik  
Markaz bosh yuriskonsulti**



**G.Madaminova**

2022 yil 23 avgust.